

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУРОЖААТИ

Кадрли ватандошлар!
Ҳурматли Жўқорғи Кенгес депутатлари!

Бугун мен Ватанимизнинг тақдири ва келажагига, қутлуг заминимиздаги тинчлик ва барқарорликка бефарқ бўлмаган барча инсонларга мурожаат қилмоқчиман.

Қорақалпоғистон Республикасида содир этилган таъшиви воқеаларни ҳар биримиз, барча Ўзбекистон фуқаролари юратгимизда чуқур дард ва изтироб билан қабул қилмоқдамиз.

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда.

Конституциявий ислохотлар мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни амалда қарор топтиришга қаратилгандир.

Фуқароларнинг ўз фикри ва хоҳиш-иродасини демократик принциплар ва ҳуқуқий нормалар асосида эркин билдириш бўйича яратилган шарт-шароитларга қарамадан, айрим ғаразли кучлар конституциявий ислохотларга норозилик баҳонасида тажовузкорлик ва зуравонлик йўлини танлаб, Ўзбекистондаги вазиятни беқарор этиш ва издан чиқаришга уринмоқда.

Сохта ахборотларни тарқатишнинг синалган технологияларидан, ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланган ҳолда, бузғунчи кучлар аниқ мақсадни кўзлаб, фуқароларни Конституцияга хилоф хатти-ҳаракатларга жалб этмоқда.

Уларнинг асосий нияти жамиятни пароканда қилиш, давлатимиз томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик сиёсатида бўлган ишончини сусайтириш, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига путур етказишдан иборат.

Илгари хабар қилинганидек, бир гуруҳ шахслар 2022 йил 1 июль куни Нукус шаҳрида сохта шiorларни ўзига нибоб қилиб олгани ҳолда, фуқароларнинг ишончига кириб, уларнинг фикрини чалғитиб, ҳокимият вакиллари-нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, тартибсизликлар келтириб чиқарди, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларини эгаллаб олишга уринди.

Улар 2022 йил 2 июль куни жамоат тартибини бузишга қаратилган ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги талабларга қулоқ солмасдан, республиканинг маъмурий марказидаги асосий кўчаларда бузғунчилик ишларини давом эттирди.

Бундан ташқари, тартибсизликларда қатнашган айрим кимсалар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан тўқнашувларни келтириб чиқаришга, қўрқ-ланадиган ҳудудларга зуравонлик билан бостириб киришга уринди, биноларга тош ва турли буюмлар отишди.

Шаҳар бўйлаб юриш давомиде улар инфратузилма объектиларига сезиларли даражада зарар етказишди. Биноларнинг ойналарини синдириб, ёнгинлар содир этишди. Бир нечта гуруҳлар қурол-яроғларни қўлга киритиш мақсадида Нукус шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Миллий гвардия бошқармаси биноларини эгаллашга уринишди.

Ушбу кимсалар сон жиҳатида кўра нисбий устуниқдан фойдаланиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ҳужум қилишди, уларни аёвсиз калтаклаб, оғир тан жароҳатлари етказишди.

Минг афсуски, тинч аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида қурбонлар бор.

Мамлакатимиз Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фавкулдда ҳолат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш мақсадида мен 2022 йил 3 июлдан 2 августга қадар “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавкулдда ҳолат жорий этиш ҳақида”ги Фармонни имзоладим.

Ишончм комил, ушбу Фармон ижросини таъминлаш давомиде кўп миллатли Қорақалпоғистон халқи мамлакатимиз раvнақи ва фаровонлигининг

пойдевори бўлган тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш учун бирлашиб, барча куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Ҳурматли юртдошлар!
Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. **У фақат Ўзбекистон халқининг тақлиф ва фикрлари асосида ўзгартирилади ва тақомилига етказилади.**

Шундан сўнг мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилади ва фуқароларимиз эркин овоз бериш йўли билан ўз хоҳиш-иродасини ифода этадилар. Фақат шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади.

Бундай ёндашув “**Халқ — Конституциянинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи**”, деган принципга тўла мос келади. Фақат шундагина ҳар бир ватандошимиз “**Янги Ўзбекистон Конституцияси — бу менинг Конституциям**”, деб ғурур билан айта олади.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар жараёни давом этмоқда. Қорақалпоғистон аҳолиси томонидан билдирилётган фикрларни ўрганиш асосида Жўқорғи Кенгес депутатлари, муҳтарам нурунийларимиз ҳамда Қорақалпоғистон фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомига оид 70, 71, 72, 74, 75-моддаларини амалдаги тахрирда, ўзгартирмасдан қолдиришни тақлиф этдим.

Олий Махлис Қонунчилик палатаси яқин кунларда бу масалани кўриб чиқади.

Ҳурматли депутатлар ва Қорақалпоғистон ахли!

Маълумки, кейинги йилларда биз сизлар билан биргаликда Қорақалпоғистонни ижтимоий, иқтисодий, маданий ва инновацион жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Уларнинг амалий натижаларини ушбу диёрда яшаётган ҳар бир инсон бугун ўз ҳаётида хис этмоқда.

Охириги беш йилда ҳудуднинг маҳаллий бюджетига қарийб 11 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “темир дафтар”га киритилган 65 мингга яқин оилага, 16 ёшгача болаликдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Биргина 2020 йил якуни бўйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад 3 баробарга ошди.

Сўнгги беш йилда қурилиш ишлари ҳажми 3,5 марта ўсди. Унлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий агрокластерлар, қўшма корхоналар ишга туширилди. Республикада минглаб янги объектлар барпо этилди, реконструкция қилинди ва таъмирланди. Жумладан, кўплаб болалар богчалари, умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди.

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 32 фоиздан 75 фоизга етди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳолини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация тармоқлари ҳолатини яхшилаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, ҳудудни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳам фаол иш

олиб борилмоқда. Хусусан, бир пайтлар ночор аҳволга тушиб қолган Мўйноқ бугун бутунлай янгича қиёфа касб этиб, жадал ривожланиб бораётган замонавий туманлардан бирига айланди.

Денгизнинг қуриган қисмида 1 миллион 733 минг гектар майдонда яшил ҳудудлар барпо этилди. Ушбу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш бўйича беш йиллик миллий дастур ишлаб чиқилмоқда. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масаласи биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Юксак халқаро минбарлардан Орол муаммосига жаҳон жамоатчилиги эътиборини мунтазам қаратиб келмоқдамиз.

Тўлиқ ишонч билан айтаманки, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бундан буён ҳам албатта изчил суъратларда давом эттирилади.

Чунки Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир.

Мен ҳаёт синовларида тобланган қорақалпоқ халқининг донишмандлигига ишонаман ва уларни ақл-идрок билан иш тутишга, турли хил қутқуларга, жумладан, четдан бўлаётган ғаразли чорлов ва ҳаракатларга алданмаслик, уларнинг қурбонига айланмасликка чақираман.

Сепаратизмга, оммавий тартибсизликларга, ҳокимият органларига зўравонлик йўли билан қаршилиқ кўрсатишга даъват этадиган ҳар қандай ҳаракатларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ кескин чора қўрилади, айбдорлар эса муқаррар жазога тортилади.

Аминманки, Қорақалпоғистоннинг меҳнаткаш, оқунгил ва бағрикенг эли ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тақдирининг бирлиги ва яхлитлигига, оғиз-бирчилигига асосланган муқаддас қадриятларини бундан буён ҳам кўз қорачигидек асраб-авайлаб яшайди.

Содир бўлган воқеалар бизни янада хушёр ва сезгир бўлишга чақиради. Бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун ментин ирода, жисслик ва яқдиллик ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистонни ўз она Ватани деб биладиган барча юртдошларимизга, муҳтарам отахон ва онахонларимизга, кадрли ака-ука ва опа-сингилларимизга, азиз фарзандларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида ўзаро шафқатсиз рақобат, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, сепаратизм, миллатчилик, радикализм каби таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай таҳликали вазиятда мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, гўзал дёғиримизда барқарор ва бардавом тараққиётни таъминлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини ошириш барчамизнинг, аввало, раҳбар ва мутасаддиларнинг нафақат вазифаси, балки муқаддас инсоний бурчидир.

Биз фақат ана шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва ҳавф-хатарларига муносиб жавоб беришимиз, турли бузғунчи ғояларга қарши жамиятимизда, аввало, ёшларимиз қалбиде мустаҳкам иммунитет яратишимиз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танланган демократик ислохотлар йўлидан ортга қайтмасдан янада самарали натижаларга эришишимиз мумкин.

Азиз юртдошлар!

Барчамиз учун Ватан битта. Бизни ягона, улуг бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигидир.

Барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистон ва Янги Қорақалпоғистонни албатта барпо этамиз.

Ўз ҳаёти давомиде тарихнинг кўп-кўп машаққатли синовларини мардона энгиб ўтган азму шижоатли, олижаноб халқимиз ўз олдида қўйган мана шундай буюк мақсадларга албатта эришадди, деб ишонаман.

БАРЧАМИЗ УЧУН ВАТАН БИТТА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда. Бу борада фуқароларга ўз фикри ва хоҳиш-иродасини эркин билдириш учун барча демократик шароитлар яратилган. Лекин айрим ғаразли кучлар конституциявий ислохотларга норозилик баҳонасида тажовузкорлик ва зўравонлик йўлини танлаб, вазиятни издан чиқармоқчи бўлди. 2022 йил 1 июль куни Нукус шаҳрида бир гуруҳ шахслар сохта шiorларни ўзига нибоб қилиб олган ҳолда, фуқароларнинг фикрини чалғитиб, ҳокимият вакиллари-нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, тартибсизликлар келтириб чиқарди, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларини эгаллаб олишга уринди.

Жамоат тартибини сақлаш ҳақидаги талабларга қулоқ солмасдан, улар 2 июль куни ҳам бузғунчилик ишларини давом эттирган. Бу юриш мобайнида Нукусдаги инфратузилма объектиларига сезиларли зарар етказилган. Биноларнинг ойналари синдирилиб, ёнгинлар содир этилган. Бир нечта гуруҳлар қурол-яроғларни қўлга киритиш мақсадида Нукус шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Миллий гвардия бошқармаси биноларини эгаллашга уринган. Сон жиҳатидан устуниқдан фойдаланиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ҳужум қилган, уларни аёвсиз калтаклаб, оғир тан жароҳатлари етказган.

Афсуски, бунинг оқибатида тинч аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида қурбонлар ҳам бўлди.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йил 3 июлдан 2 августгача фавкулдда ҳолат жорий этилди.

3 июль куни Нукус шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг комендан-ти фавкулдда ҳолат бўйича ахборот бериб, вазият тўлиқ назоратда олинганини таъкидлади.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда давлат раҳбари барча туманлар мутасаддилари билан мулоқот қилди. Улар фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича жойларда қўрилаётган чоратадбирлар юзасидан ахборот берди. Президентнинг мурожаатидан кейин вазият барқарорлашгани, ҳаёт ўз маромига қайтаётганини айтишди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги Жекетерак маҳалласида бўлиб, халқ билан ҳам мулоқот қилди.

Жекетераклик ёшуллар кечаги кўнгилсиз воқеаларда баъзи ёшлар адашгани ва қонунга зид ҳаракатлар содир этгани, ташқи ғаразли кучлар таъсирига тушиб, ҳис-ҳаяжонга берилганини афсус билан қайд этишди. Ўзбеклар ва қорақалпоқлар икки тилли бир эл эканини, мамлакатимиз бирлиги ва тинчлигининг қадрига етиш кераклигини таъкидлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутatlари, Вазирлар Кенгаши раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси халқимизнинг таъкилиши ва фикрлари асосида тақомилига етказилиши яна бир бор таъкидланди. Ҳали бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилади ва фуқаролар эркин овоз бериш йўли билан ўз хоҳиш-иродасини билдиради.

Бундай ёндашув “**Халқ — Конституциянинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи**”, деган принципга тўла мос келади. Фақат шундагина ҳар бир ватандошимиз “**Янги Ўзбекистон Конституцияси — бу менинг Конституциям**”, деб ғурур билан айта олади.

Қорақалпоғистон аҳолиси томонидан билдирилаётган фикрларни инобатга олиб, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомига оид 70, 71, 72, 74, 75-моддаларини амалдаги тахрирда, ўзгартирмасдан қолдиришни тақлиф этган эди. Яқин кунларда бу масалани Олий Махлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқади.

Учрашувда депутатлар, зиёлилар сўзга чиқиб, кейинги йилларда Қорақалпоғистонни ижтимоий, иқтисодий, маданий ва инновацион жиҳатдан ривожлантириш бўйи-

ча кенг кўламли ишлар қилинаётганини айтишди.

Охириги беш йилда ҳудуднинг маҳаллий бюджетига қарийб 11 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Биргина 2020 йил якуни бўйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад 3 баробар ошган.

Сўнгги беш йилда қурилиш ишлари ҳажми 3,5 марта ўсган. Унлаб янги заводлар, замонавий агрокластерлар, қўшма корхоналар ишга туширилган. Кўплаб болалар богчалари, мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари барпо этилган.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “темир дафтар”га киритилган 65 мингга яқин оилаларга, 16 ёшгача болаликдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган 17 минг оилага моддий ёрдам кўрсатилган. Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 32 фоиздан 75 фоизга етган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳолини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижаларини ҳудудда яшаётган инсонлар ўз ҳаётида хис этмоқда.

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, ҳудудни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, бир пайтлар ночор аҳволга тушиб қолган Мўйноқ бугун бутунлай янгича қиёфа касб этиб, жадал ривожланиб бораётган замонавий туманлардан бирига айланди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масаласи биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Денгизнинг қуриган қисмида 1 миллион 733 минг гектар майдонда яшил ҳудудлар барпо этилди. Ушбу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш бўйича беш йиллик миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

— Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бундан буён ҳам албатта давом эттирилади. Чунки Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жўқорғи Кенгес депутатлари ёшларни ақл-идрок билан иш тутишга, турли хил ғаразли чорлов ва ҳаракатларга алданмаслик, уларнинг қурбонига айланмасликка чақирди. Сепаратизмга, оммавий тартибсизликларга даъват этадиган ҳар қандай ҳаракатларга қонунчиликка мувофиқ кескин чора қўрилиши, айбдорлар жазога тортилиши айтиб ўтилди.

Содир бўлган воқеалар халқимизни янада хушёр ва сезгир бўлишга ундайди. Бугунги таҳликали дунёда юртдошларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда барқарор ва бардавом тараққиётни таъминлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини ошириш жуда муҳим. Фақат мана шу йўл билан бугунги таҳдид ва ҳавф-хатарларга муносиб жавоб бериш, турли бузғунчи ғояларга қарши жамиятимизда, аввало, ёшларимиз қалбиде мустаҳкам иммунитет яратиш, демократик ислохотлар йўлидан ортга қайтмасдан янада самарали натижаларга эришиш мумкин.

— Барчамиз учун Ватан битта. Бизни ягона, улуг бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигидир. Барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистон ва Янги Қорақалпоғистонни албатта барпо этамиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Йиғилишдан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус туманидаги “Саманбай” овул фуқаролар йиғинига бориб, ёшуллар, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан учрашди.

Президентимиз Қорақалпоғистонда содир бўлган таъшили воқеаларни бутун халқимиз чуқур дард ва изтироб билан қабул қилгани, бу синовни оғир-босиқлик, ахиллик билан ортда қолдириш кераклигини таъкидлади.

Одамлар бунни тасдиқлаб, Қорақалпоғистоннинг донишманд эли бундан буён ҳам ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бирлигига, оғизбирчилигига асосланган муқаддас қадриятларни кўз қорачигидек асраб-авайлаб яшашига ишонч билдириди.

ОЗАРБАЙЖОН ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари ҳар доимгидан-да мустаҳкам, мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон фақат географик жихатдангина Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланмайди. Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим фигурадир, унинг иштирокисиз ҳеч бир масалани ҳал қилиб бўлмайди. Жанубий Кавказ минтақасида Озарбайжон Ўзбекистоннинг асосий шериги ҳисобланади, бу геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан жуда муҳим.

Акс садо

Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда давлатларимиз ўртасида ўзаро сиёсий ишонч қарор топган, иккала мамлакат ҳам халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида бир-бирини қўлаб келмоқда. Озарбайжон ва Ўзбекистон — ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаган ва мустақил сиёсат юритадиган собиқ совет маконидagi давлатлардир. Мамлакатларимиз бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштириш сари йўл олган.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклини чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжатга эришилдики, ушбу битимлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлигининг қатор истиқболли йўналишларида амалий шериклишни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Озарбайжон доим Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёрили

гини намён этиб келган, чунки интилишларимиз халқларимиз манфатларини таъминлаш, тараққиётга эришишга қаратилган. Ушбу мавзу биз учун ҳар дам долзарб ва муҳимдир. Ҳамкорлиқнинг барча соҳасида — иқтисодиёт, сиёсат, парламентлараро алоқалар, маданият ва иқтимоий соҳада муваффақиятларга эришилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида яқин ва кўп қиррали шериклик йўлга қўйилгани ҳам ушбу ижобий натижаларга олиб келди. 2022 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолангани икки мамлакат қонун чикарувчи органларининг тизимли алоқаларини мустаҳкамлаш кафолати бўлиб қолмоқда. Тошкентдаги ахдлашувлардан кейин парламентлараро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, икки давлат қонун чикарувчи органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида тилга олмақчиман. Биз, депутатлар олдида юқори даражадаги икки томон-

лама келишувларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, парламентларнинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўзаро шериклини чуқурлаштириш вазифаси турибди. Шунингдек, парламентларнинг мутасадди кўмиталари ва комиссиялари ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш, парламент делегациялари ўзаро ташрифларини кенгайтириш устида ҳам ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон Озарбайжоннинг энг муҳим шерикларидан. Қардош мамлакат Озарбайжонни энг оғир далаҳларда ҳам қўлаб-қувватлади, елкадош бўлди. Ўзбекистон мамлакатимизнинг худудий яхлитлиги ва суверенитетига ҳурмат билан қаради. Шавкат Мирзиёев қўшни давлатлар билан муносабатларни барқарорлаштириш бўйича муҳим қадамларни қўйди ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё минтақасининг салоҳиятини сезиларли даражада оширди. Давлат раҳбари янги Ўзбекистоннинг очиклик ва прагматизмга асосланган ташқи сиёсатини аниқ белгилаб берди. Биз мамлакатда кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Давлат ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳаси янгиланди.

Шу билан бирга, Озарбайжон ва Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий, ҳал қилувчи унсори — тинчлик, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик, деган бўлардим. Илҳом Алиев илгари сурган мултикультурализм жося мамлакатимизда ҳар доим турмуш тарзи ҳисобланган, озарбайжонлар асрлар давомида бошқа дин ва маданиятларга тоқат, ҳурмат билан қарашган, бағрикенглик қилишган,

халқимизга хос ушбу хислат туфайли бугунги кунда исломий бирдамлик ва жаҳондаги маданиятлараро мулоқот соҳаларида Озарбайжонга катта эътибор қаратилади. Юртимизда йирик халқаро тadbирлар — Европа ўйинлари, Ислom ўйинлари, глобал форумларнинг ўтказилиши — Озарбайжон жаҳон майдонида юксак нуфузга эгалигининг исботидир.

Ўзбекистон ҳам азалдан бағрикенг ва миллатлараро тотувлик юрти номи билан танилган. Республикада 130 дан ортқ миллат ва элатлар аҳилиқда кун кечираётгани, кам сонли миллатларнинг таҳқирланишига йўл қўйилмаслиги, барча диний конфессиялар вакилларига ўз диний қадриятларига амал қилишларига кенг йўл берилганига ташқаридан кузатиб амин бўлиб турибмиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев оқилона, узoқни қўзлаб сиёсат юритаётганлиги туфайли мамлакатда ва бутун минтақада тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланишига эришилмоқда.

Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳада манфаатли ҳамкорликка қўлаб мисоллар бор. Аммо қадимги Буюк Ипак йўли орқали юк тaшиш ҳажмини ошириш ва мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда транспорт йўналишидаги шериклик муҳим. Биз маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилишни мўлжаллаётган эканмиз, давлатларимиз худудидaги эркин иқтисодий зоналарда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Шу маънода, транспорт коммуникациялари тизимидан, шу жумладан, Боку — Тбилиси — Карс темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Тошкентдаги музокараларда келишиб олинди. Икки томонлама савдо ва товарлар тран-

зити йўлидаги тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш учун транспорт вазирлари раҳбарлигидаги махсус ишчи гуруҳ ташкил қилинадиган бўлди.

Яна бир фактга эътиборни қаратмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йили Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти) саммитида иштирок этиш учун Боку ташрифи ва унинг доирасида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашуви, менинг назаримда, туркий дунё муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Ўйлаيمанки, икки давлат раҳбарларининг сайй-харакатлари халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларда янги ўфқларни очишда бошқа давлатлар учун намуна бўлади. Туркий давлатларнинг яқинлашуви, бир томондан, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг қандайдир тарзда хаддан зиёд геосиёсий амбициялар ва яратилаётган трансмиллий лойиҳалар фаолиятида иштирок этаётган бошқа халқаро қўлар босимиға қарши туришида қўмақ бераётган бўлса, бошқа томондан, глобал маданиятнинг салбий асосларни тарқалиши ва қадриятлар емирилиши жараёни кечаётган бир даврда ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг маданий ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолиш жуда муҳим роль ўйнайди.

Умуман, Озарбайжонда қардош Ўзбекистон билан дўстлик ҳамда биродарлиқни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қаралади. Шу сабабли, бизда ўзбек халқи ва Ўзбекистон давлатчилиги гоғларига ҳурмат билан ёндашишди.

Элман НАСИРОВ,
Озарбайжон Республикаси
Миллий Мажлиси депутати.

Дил сўзи

Бу йилги Ёшлар куни байрамнинг унутилмас таассуротлари хотирамда бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИШОНЧИ БИЗГА КУЧ, МОТИВАЦИЯ БЕРДИ

Хабарингиз бор, Президентимиз Ёшлар куни муносабати билан "Янги Ўзбекистон" боғида ташкил этилган тadbирларда қатнашиб, беш муҳим ташаббус йўналишлари бўйича очилган аҳолинонлар фаолияти билан танишди, ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари мен билан ҳам самимий суҳбатлашиб, орзу-мақсадларим билан қизикди, ишларимга омад тилади. Маррани янада каттарoқ олишга ундади.

Суҳбат давомида Президентимиз ёш тadbиркор сифатида олиб бораётган ишларимдан хурсанд эканлигини таъкидлаб, Риштон кулолчилигини янги босқичга олиб чиқиш бўйича маслаҳатлар берди. Ҳозирда юзлаб тенгдошларим мен билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Кулолчилик кластерида тайёрланаётган маҳсулотларимиз қўшни республикалар, МДХ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Италия, Буюк Британия, Туркия сингари мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш учун дастлабки қадамлар ташланди. Яқин истиқболда АҚШ, Японияда кулолчилик маҳсулотлари кўرғазмаларини ташкил этиш, савдо уйлари очитини режалаштирганмиз. Шуниси аниқки, Президентимизнинг биз, ёш тadbиркорларга катта ишонч билдириб, эътибор ва рағбат кўрсатиши, ғайрат-шижоатга ундаши элу юртга сидқидилдан хизмат қилишда янада куч, мотивация беради.

Шокир АҲМАДЖОНОВ
Риштон туманидаги «Мингбоши Керамик» кулолчилик кластери раҳбари.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ



Тиббиёт

Марказда Қўқон шахри, Данғара, Бувайда, Богдоҳ ва Учкўприк туманларида яшовчи туғуруқ ёшидаги, ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касалликларни эрта аниқлаш, сифатли ташхис қўйиш ва даволаш ишлари олиб борилади.

— Туғуруқ комплексини замонавий мезонлар асосида таъмирлаш учун 13 мил-

Қўқон шахар тиббиёт бирлашмаси тасарруфида иш бошлаган перинатал марказида бир пайтнинг ўзида қарийб 200 нафар туғуруқ ёшидаги аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroит яратилган.

лиард 885 миллион сўм сарфланди, — дейди Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқаюм Тўхтақулов. — Шунингдек, марказнинг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фаргона вилояти ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмағида 310 минг АҚШ доллари янги тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Бугунги кунда никоҳ тузиш никоҳланувчилар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларига ариза берганидан сўнг бир ой ўтган амалга оширилади. Фақат алоҳида ҳолларда ва узрли сабаблар мавжуд бўлганда, ушбу муддатни қисқартиришга йўл қўйилади.

Бундай ҳолатлар қонунларда аниқ белгилаб берилмагани сабабли амалиётда мазкур талаб турлича талқин қилиб келинган ва никоҳ муддати турли асосларга кўра қисқартирилган. Никоҳдан ўтиш учун бир ойлик муддат белгилангани, бу муддатни қисқартириш бирмунча расмийлаштирилган билан боғлиқ эканлиги эса кўпчиликнинг никоҳ тузмасдан оила қуришига сабаб бўлмоқда. Натижада юридик жиҳатдан оталикни белгилаш ишларининг сони ҳам ошиб борапти.

Нуқтаи назар

Бу, ўз навбатида, жамиятда ўзгаришлар ва глобаллашув жараёнлари туфайли қонун ҳужжатларини давр ва замонга мослаштириш, фуқароларнинг талаб ва истакларини инобатга олишни тақозо этмоқда. Қолаверса, 1998 йилда қабул қилинган ҳамда бевоасита ФХДЁ органлари соҳасини тартибга солувчи Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж сезилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ФХДЁ органларида оила қуриш жараёнини янада тақомиллаштириш, коррупциявий омилларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларга қўлайлиқлар яратиш ва никоҳни ўз вақтида қонуний расмийлаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари-

ни ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжатда никоҳ тузиш учун талаб этиладиган бир ойлик муддатни бекор қилиб, тиббий кўрик қилиш бўйича никоҳни қайд этиш, шунингдек, никоҳланувчи шахслар эллик ёшдан ошган бўлса ёки никоҳланувчи шахслар ўртасида фарзанд бўлса ёхуд аёл никоҳланувчи шахсдан ҳомиладор бўлган ҳолларда, тиббий кўрикдан ўтишни ихтиёрий этиб белгилаш назарда тутилгани юқоридаги каби низоли ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Лойиҳада тақлиф қилинаётган янги нормалар никоҳни қайд этиш тартибини янада соддалаштиришга, никоҳланувчи шахсларга қўшимча қўлайлиқлар яратишга ҳамда никоҳни ўз вақтида қонуний расмийлаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, ортиқча расмийлаштирилган ҳамда коррупцион

ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Амалдаги Оила кодексига кўра, никоҳланувчилар ФХДЁ органларига ариза берганларидан кейин 1 ой ўтган, уларнинг никоҳи қайд қилинади. Ушбу вақт давомида никоҳланувчилар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишди.

Алоҳида ҳолларда ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги бўлган ва бошқа ҳолатларда ушбу муддатдан олдин руҳсат берилиши мумкин. Ушбу муддатни қисқартириш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ белгиланмагани сабабли қонун нормаси амалиётда турлича қўланилмоқда.

Хусусан, никоҳдан ўтиш учун ФХДЁ органларига 2021 йилда 311 мингдан ортқ аризалар берилган. Шундан, 5,8 мингга яқин аризалар бўйича 3 ой давомиде турли сабабларга кўра никоҳ қайд этилмаган бўлса, 2021 йилда 305 мингдан ортқ никоҳларнинг 50 мингга яқини бир ойлик муддат қисқартирилган ҳолда қайд этилган. 23 мингга ҳомиладорлик, 15 мингга бола туғилганлиги учун ҳамда 12 мингга никоҳ касаллики, хизмат сафари ва бошқа сабабларга кўра бир ойлик муддат қисқартирилган.

Соҳада амалга ошириляётган ишларга қарамай, никоҳни қайд қилишнинг 1 ойлик муддатини турли асосиз, яъни никоҳланувчиларнинг қариндоши бўлмаган шахсларнинг касалиғи ҳақидаги белгиланган тартибда тасдиқланмаган маълумотномалар, келиннинг ҳомиладорлиги аниқ бўлмаган маълумот (УЗИ ҳулосаси), хусусий қорхонанинг хизмат сафари ҳақидаги буйруғи, никоҳланувчиларнинг умумий фарзандлари бўлма-

ган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари ва бошқа сабабларга кўра қисқартириш, фуқаролар томонидан ФХДЁ органларига сохта тиббий маълумотномалар тақдим этиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Натижада болага нисбатан оталик белгилаш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб борапти. Жумладан, 2020 йилда 49 мингга яқин оталик белгиланган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 56 мингдан ортқини ташкил этган.

Шу сабабли мазкур қонун лойиҳаси билан Оила кодексининг 13, 17 ва 212-моддаларига ўзгаришлар киритилди. Масалан, никоҳни қайд этишнинг бир ойлик муддати ва уни қисқартириш учун асос бўлувчи ҳолатлар бекор қилинди, никоҳни никоҳланувчи шахслар мажбурий тиббий кўрикдан ўтганларидан сўнг расмийлаштириш тартиби белгиланди.

Шунингдек, лойиҳа никоҳни қайд этишнинг бир ойлик муддатини бекор қилишга қаратилган бўлиб, мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш тартиби ва шартларига ўзгаришлар киритилмаган. Шу боис лойиҳада эллик ёшдан ошган ёки ўртада боласи (болалари) бўлган никоҳланувчи

шахслар, шунингдек, ҳомиладор аёл ва унинг туғилмажак боласини ўз боласи деб тан олувчи шахс учун тиббий кўрикдан ўтиш ихтиёрийлиги белгилан қўйилди.

Сир эмаски, амалиётда ақсарият никоҳланувчилар оила қуриш тўғрисидаги қарорни анча олдин қабул қилиб, никоҳни расмийлаштириш мақсадида ФХДЁ органларига мурожаат этишади. Биргина 2021 йилда мажбурий тиббий кўрик натижасида 3 минг 40 нафар келин ёки кўёвда касаллик аниқланган бўлса-да, лекин уларнинг розилиги билан никоҳлари қайд қилинган.

Президентимиз шу йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда оила масаласига тўхталиб, Бош қомусимизда оила институтининг конституциявий асосларини ривожлантириш мақсадида "оила аёл ва эркекнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида шаклланиши", жамиятнинг табиий ва таянч бўғини, жамият ва давлатнинг алоҳида ҳимоясида эканлини мустаҳкамлаб қўйишни тақлиф этди. Бу ниҳоятда ўринли ташаббус бўлиб, минглаб юртдошларимизнинг айна дилидаги гап бўлди.

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

Муносабат



БЎШ ТУРГАН БИНОЛАРГА НИСБАТАН ЮҚОРИ СОЛИҚ СТАВКАСИНИ БЕЛГИЛАШ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Солиқ тизимида ислохотларни амалга оширмай туриб эртанги кунимизни, фаровон жамият қуришни тасаввур этиш мушкул. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилиги тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсад солиқлар юқини камайтириб, одамлар даромадини ошириш, пировардида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Боиси солиқ қанча кам бўлса, тadbиркорлар эмин-эркин, самарали фаолият юритади, ҳалол меҳнат қилиб, янги иш ўринлари яратди. Иш ўрни бор жойда фаровонлик бўлади.

Тараққиёт стратегиясида бу борадаги ислохотларни давом эттириб, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш вазифалари белгиланган. Хусусан, 2026 йилга бориб тadbиркорлик субъектларига солиқ юкмасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоиздан 25 фоизи даражасига камайтириш мақсад қилинган.

Президентимизнинг жорий йил 28 июндаги "Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шaroитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фармонга мувофиқ, жорий йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амалга киритилишини тўхтатиш тартиби бекор қилинди.

2023 йил 1 мартга қадар ҳисобварақ-фактураларда ёки

Шу нуқтаи назардан, биз, халқ вакиллари солиқ тизимида рўй бераётган ўзгаришлари тadbиркорларга содда ва халқчил тилда тушуниришда, айникса, ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, ижросини ўз вақтида таъминлашда фаол бўлишимиз керак.

Ботирбек ТЎРАЗОДА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

АФСОНАВИЙ ШАҲАР

ҲАМ СУРАТАН, ҲАМ СИЙРАТАН ЯНГИЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг бошларида Самарқандга ташрифи чоғида модернизация қилинган халқаро аэропорт, Туризм маркази, “Абадий шаҳар” карвонсаройи, Имом Бухорий мажмуасида бажарилаётган ишларни кўздан кечирди. Танқидий руҳда ўтган фаоллар йиғилишида аҳоли ҳаётини яхшилаш, инсон қадрини юксалтириш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Орадан оз эмас, кўп эмас, беш ойча вақт ўтди. Ана шу муддат мобайнида вилоятда қандай ўзгаришлар рўй берди? Белгиланган вазифалар ижроси қай даражада таъминланяпти? Хизмат сафаримиз давомида ушбу саволларга жавоб изладик.

Ҳар бир муурожаат ортида инсон бор

— Президентимиз қаерга борса, бир гапни тақдорлайди: одамларни рози қилиш керак, уларнинг муаммоларини тинглаб, ечимини топиш керак, дейди. Бугун одамларнинг рози бўлиши учун қандай ишлар қилиниши зарур? Олдимизга қўйилган ана шу вазифа масъулияти ҳокимлардан тортиб то энг кўйи бўғинда фаолият кўрсатаётган мутасадди раҳбарларнинг доимий кун тартибидан ўрин олган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилояти Халқ қабулхонаси мудири Маматжон Тўрдиёев. — Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифидан сўнг ўтган вақт мобайнида туманлар кесимида 80 дан ортиқ оғир ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, ёзда чанг, қишда лой кўчаларни шағаллаштириш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича ишлар олиб борилди. Сектор раҳбарлари, мутасадди ходимлар билан бирга туманларда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўргандик, баъзиларини жойида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилгандимиз. Сайёр қабуллар ўтказилиб, шу ернинг ўзида меҳнат армаркаси, тиббий кўриқлар ташкил этиляпти.

Ҳар бир муурожаат ортида инсон бор, унинг дарду ташвиши бор. Ана шу дардини ўз дарди деб билган, шундай ҳолатларни тушунган, ҳис қилган раҳбар замон билан ҳамнафас бўла олади, зиммасидати жавобгарлигини ҳис этди, масъулиятни сезади. Халқнинг ишончини қозонса, қадр топади, раҳмат олади.

Масалаларга қай даражада ечим топилаётгани устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, бажарилган ишларга баҳо берилимоқда. Аниқланган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, белгиланган вазифалар ижроси бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси

Президентимиз қайси вилоятга ташриф буюрсанин, унинг меъморий қиёфасини янада кўркамлаштирадиган истиқболли лойиҳалар билан албатта танишади, шу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бу аъёнага айланиб қолган. 1967 йилда қурилган Самарқанд аэропорти кейинчалик енгил реконструкция қилинган ва бугунги кун талабларига жавоб бера олмасди. Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу жиҳатларга устувор аҳамият қаратилиб, қатор лойиҳалар ичидан энг маъқули танлаб олинди. Шу асосда Самарқанд халқаро аэропорти буюк мунажжим ва давлат арбоби, бобомиз Мирзо Улуғбекнинг “Зиҳи жадиди Кўрагоний” асарининг китобат шаклидаги кўриниши асосида қуриб этилди. Аэропорт терминалининг том қисмида юлдузлар туркуми тасвири тўширилди. Дунёнинг турли бурчакларидан учиб келётган сайёҳлар Самарқанд заминига кўнишда ушбу аэропорт биноси томида порлаётган юлдузлар жилвасига мафтун бўлади. Тўн пайтида эса бу кўриниш янада маҳобатли манзара касб этади.

Президент ташрифидан бир ойдан зиёдроқ вақт ўтиб, 18 март куни Самарқанд халқаро аэропортининг очилиш маросими бўлиб ўтди ва “Uzbekistan Airways” АЖ шу куни Тошкент — Самарқанд йўналишида биринчи парвозни амалга оширди. Ҳозирги кунда аэропортдан Москва, Санкт-Петербург, Истанбул, Олмаота ва бошқа кўплаб шаҳарларга мунтазам равишда парвозлар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари топириши асосида аэропортда хужжатларни расмийлаштириш, юкларни терминалга топириш ишларида инсон омили иштироки камайтирилди. Агар терминалда навбат кутмайман десангиз, ўзини ўзи рўйхатдан ўтказиш қамчалари ташкил этилган. Ушда ердан ҳужжатларингизни расмийлаштириб, учиб йўлагига чиқиб кетаверасиз. Топирилган юклар “актили” технологиялар орқали текшириб ўтказилади.

Самарқанд халқаро аэропорти илк бор хусусий бошқарувчига берилиб, темир йўл,

автобус қатновлари билан боғланган ҳолда йирик транспорт хаби сифатида “Ўзбекистоннинг бош туризм дарвозаси”га айлантирилади. Натижада янги халқаро бандагроҳда парвозлар сони 7 — 10 баробар оширилиб, четдан туристар оқимиனி кескин кўпайтириш имкони яратилади.

Сайёҳлик хизмати ҳажми 10 баробар ошади

— Самарқандни юртимизнинг “туризм дарвозаси”га айлантириш мақсадида келгуси беш йилда сайёҳлик хизматлари ҳажмини 10 баробар ошириш мўлжалланган. 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилади. Бу соҳадаги энг улкан лойиҳа, албатта, “Silk Road Samarkand” туристик мажмуасидир. Президентимиз 200 гектардан ошик майдонда қурилаётган ушбу Туризм маркази, Шарқнинг қадимий шаҳарлари қиёфасида барпо этилаётган “Абадий шаҳар” карвонсаройини кўздан кечирганида, бу ерда миллий меъморчилик анъаналари, амалий санъат турлари, миллий таомлар, қадимий бозорлар кўриниши ўз аксини топиши кераклиги бўйича топириқ берган эди, — дейди Самарқанд вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Нарзикулов. — Шундан келиб чиқиб, мажмуада хунармандлар, рассомлар, амалий санъат намояндалари жойлашади. Сайёҳлар бу ерда миллий таомларимизни татиб кўришлари, хунармандчилик буюмларини сотиб олишлари, маҳорат мактаблариде қатнашиб, қадимий кўча томошаларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.


Лойиҳа асосида ҳозир ҳудуддаги нон маркази, Арк триумф, миллий либослар галереяси, дегустация зали тўлиқ фойдаланишга топирилди. Бело ва пидедалар йўлакчалари ташкил этилиб, ён-атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Дам олиш ва кўнгулсочар объектлар, хунармандчилик маркази, суный сув ҳавзалари, нодир ва ноёб дарахтлардан иборат боғ барпо этилди. Туризм соҳасида таҳсил олаётган талабалар шу ерда амалий кўникмаларини мустақамлашади. Кўп тармокли хизматлар йўлга қўйилади. Беш мингдан зиёд ёшлар бандлиги таъминланади. Вилоятга келадиған хорийий сайёҳлар сонини йилгига 5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Ислон оламининг буюк алломаси

Буюк муҳаддис бобомиз Имом ал-Бухорийнинг ислон оламида тутган ўрни бекиёс. Бу табаррук зот қабрини зиёрат қилиш учун ҳар йили юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб зиёратчилар келишади. 2021 йилнинг муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳда янги лойиҳа бўйича реконструкция ишлари бошланди. Бу ерда қариб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, миноралар, айвонлар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари зиёратгоҳ реконструкциясини кўздан кечирганида мутасаддиларга қурилиш ишларини сифатли олиб бориш, зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Шу асосда мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотурагоҳ, автобекет, ошхоналар, савдо расталари, таҳоратхоналар қурилиши яқунланяпти. Имом Бухорий макбарасининг ўнг томонида ер ости галереяси барпо қилинди. Бу ерда зиёратчилар аллома қабрини кўриш имкониятига эга бўлади. Мақбара деворларига қадимий услубда Кўрбонни қарим суралари ва ҳадислардан намуналар битилди. Барча пардозлаш ишларида ёрқин ранглардан кўпроқ фойдаланилди.

Айни пайтда мажмуанинг ер ости галереяси қисми қурилиши тўлиқ яқунланди, масжид ва миноралар қад кўтарган. Безак ишлари давом этяпти. Мажмуадаги олти асприк қадимий чинорлар, қайнаб чиқаётган булок ва ҳовуз сақлаб қолинган. Уларга зиён-заҳмат етмаслиги учун алоҳида қаровга олинган. Кўсалмзорлаштирилган майдонлар 2 гектардан зиёд бўлади.



Мажмуа деворлари миллий нақшлар, пардозбо тошлар билан сайқаланди.

Мажмуа ёнида зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида маҳаллий ва вилоятлараро йўналишларда қатновчи автобуслар учун автовокзал ҳамда 700 ўринли автомобиллар тўхташ жойи қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда. Мажмуага олиб боровчи равон асфальт йўл, унинг икки томонида замонавий бичимда қурилган икки қаватли тураржойлар ҳар қандай кишининг кўзини қувонтиради. Буларнинг биринчи зиёрат туризми салохиятини юксалтириш, ислон оламида Ўзбекистонга янада кўпроқ зиёратчилар жалб этишга хизмат қилади.

Янги тизим асосида ишланмоқда

— Президентимиз аҳоли билан мулоқот олиб боришда маҳаллабай ишлаш тизими қулай ва самарали механизм эканини таъкидлади, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Нарзиқул Холжов. — Ҳақиқатан ҳам, ушбу тизим аҳоли муурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда жуда қўл келмоқда. Шу орқали инсонлар дардини тинглаш, мавҳуд муаммоларини ҳал этиш имкони осяпти.



Ҳозир шаҳар ва туман ҳокимларининг маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчилари билан бирга “темир дафтар”, “аёллар дафтери” ва “ёшлар дафтери”га кириштирилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва моливий кўмак” тамойили асосида ишлар олиб боришмоқда.

Вилоят мактабгача таълим бошқармаси тизимидаги болалар боғчаларининг жорий аҳоли, коррупция ҳолатлари муҳожама қилиниб, бундай муассасалар мавҳуд бўлмаган маҳаллаларда уларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш чоралари кўришмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, криминоген вазиятни яхшилаш масалаларига локайд муносабатда бўлгани учун бир қанча раҳбарларни ишдан четлаштирган эди. Ҳозир тайинланган янги раҳбар бошчилигида бу борада зарур чора-тадбирлар кўрилиб, жиноятлар профилактикасидаги камчиликлар бартараф қилинмоқда. Олиб борилган манзилли профилактик тадбирлар давомида илгари судланган ва маъмурий назорат қонунни таъсири остига тушувчи шахслар ҳисобга олиниди, уларнинг 400 нафарга яқини ишга жойлаштирилди.

Инсон қадр топган жамиятда тараққиёт бўлади

— Президентимиз Самарқанд вилоятида бўлганида одамларни рози қилишга қаратилган ислохотлар жараёнида, очиклик, эркинлик таъминланаётган бугунги кунда раҳбарларнинг ўзини ўйлаб, нопок ишлар қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади, — дейди Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов. — Бу бежиз эмас. Чунки кўплаб ҳудудларда бўлгани каби Самарқандда ҳам кўплаб соҳаларда, хусусан, таълим тизимида турли камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатлари учраб турганди. Мазкур камчиликларни бартараф қилиш мақсадида соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Утган беш йил мобайнида вилоятда мактабгача таълим билан қамров 20,9 фоиздан 68 фоизга етказилди. Мактабгача таълим ташкилотлари сони беш баравар кўпайди. Давлат-хусусий шериклик асосидаги, оилавий нодавлат ва хусусий МТТ фаолияти йўлга қўйилди.

Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти, академик лицейи, ихтисослаштирилган мактабларнинг малакали ўқитувчиларидан иборат мобил методик гуруҳ ташкил қилиниб, мактабларда педагоглар илгор методика ва инновация ютуқлари билан таништирилмоқда.

Олий таълимда рақобат муҳитини яратиш, таълим олиш қамровини кенгайтириш мақсадида олтига янги олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари, Нарпай ва Пайкар туманларида факультетлари ташкил этилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб Самарқанд давлат университетининг Агробиотехнологиялар ва озик-овқат хавфсизлиги, Муҳандислик физикаси институтлари ҳамда Ургут филиали фаолияти йўлга қўйилди.

Президент айтган муаммолар тағида битта омил ётибди. Ҳалоллик ва поклик. Ана шу мезон асосида иш тутилса, ўз-ўзидан уларнинг ечими топилади. Бу жамиятни янги босқунга кўтарди, юксак марраларга эришишимизга, аҳоли турмуш тарзини, ҳаётини янада яхшилашга имкон яратади. Ушбу стратегияни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва назорати фоят муҳимдир.

Давлатимиз раҳбарининг Самарқандга ташрифидан кейинги ўтган давр мобайнида рўйи жаҳон сайқали — кўҳна ва навқирон шаҳарнинг меъморий қиёфаси таваб бўлмас даражада ўзгаргандир, маҳобат ва гўзаллик касб этганининг гувоҳи бўлди. Кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бугун янгиланаётган Самарқанд шаҳри брендини тарғиб этиш бўйича режалаштирилган истиқболли лойиҳалар амалиётга жорий этилаётгани хорийлик сайёҳлар оқимининг кундан-кўнга кўпайишига, нуфузли халқаро анжуманларнинг ўтишига хизмат қилаётгани шаҳри азиямига бўлган меҳримизни янада оширди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

Санъат

ЭНДИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ЎЗ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ БОР

Сирдарё вилояти мусиқали драма театрининг, йигирма беш йилдики, симфоник оркестри йўқ эди. Мусиқа зарур сахналарда 5-6 нафар созандали ансамблдан фойдаланиб келинаётганди. Яқинда театр ўзининг янгидан тўзилган эстрада-симфоник оркестрига эга бўлди. Оркестрга аввал Мўқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида тажриба ортирган, Сирдарё вилоятида туғилиб ўсган ёш санъаткор Дилмурод Тожибоев дирижёрлик қилмоқда.

Эътиборлиси, оркестр асарларни мусиқий таъминлаш баробарида, ўзининг алоҳида концертларини ҳам намойиш этаётди.

— Ушбу мусиқий дастурлар одатдагидан фарқли ўлароқ, жаҳон ва миллий сахна асарлари дурдоналаридаги машҳур ариялардан тўзилгани ҳамда бу қўшиқлар образга кирилган ҳолда ҳамда қайсибир роль қиёфасида ихро этилиши билан ажралиб туради, — дейди актёр ва режиссёр Қандиёр Рустамов. — Яъни томошабин бир вақтнинг ўзида ҳам қўшиқ эшитида, ҳам бирор-бир спектаклдан парча кўриб, завқ олади.

Маълумот учун Сирдарё вилояти мусиқали драма театри жамоаси яқинда водий вилоятларида гастролда бўлди. Спектакллар билан бирга, “Санъатимиз сизга армуғон” деб номланган концерт дастурларини ҳам намойиш этди. Ўтган театр мавсумида эса ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари кундузи болалар, оқшом катталар учун чипта наҳрларини жуда арзон белгиланган ҳолда узлуксиз спектакллар қўйиб, минглаб юртдошларимизга маданий хизмат кўрсатди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Таълим

КВОТАЛАР СОНИ ОШИРИЛАДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг раҳбари Раҳимжон Ҳакимов “Россотрудничество” Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, хорихда яшовчи ватандошлар ва халқаро гуманитар ҳамкорлик бўйича Федерал агентлиги раҳбари ўринбосари Павел Шевсов бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Унда “Россотрудничество” Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Михаил Вожаев ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам қатнашди.

Дастлаб томонлар сўнгги вақтларда олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги алоқаларнинг бориши ҳақида фикр алмашди.

Учрашувда 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси олий таълим муассасалари иштирокида ҳамкорликда уюштирилиши режалаштирилган олий таълимни ривожлантиришга бағишланган халқаро конференция, Россия олий таълим муассасалари армаркаси тадбирларини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида томонлар мамлакатлар ўртасида олий таълим соҳасидаги алоқалар ривожланишининг ижобий динамикасини ҳам таъкидлаб ўтди.

Павел Шевсов ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича истиқболдаги режаларга тўхталиб, Россия томони 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун ажратиладиган квоталар сони оширилиши маълум қилди.

Шунингдек, учрашувда Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашда таълимнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси университетнинг Менежмент ва маркетинг кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Тоҳир Акрамовга онаси

МАЪРИФАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мушоҳада

Дунё олимлари илмий-амалий хулосалари асосида инсоният ХХI асрда жуда кўп глобал муаммолар, хусусан, ҳаёт манбаи бўлган сув тақчиллигидан азият чекишини башорат қилиши бежиз эмас. Боиси сайёраимизда сув манбалари тобора камайиб бормоқда. Шу ўринда ота-боболаримизнинг “Уммон олдида бўлсанг ҳам бир томчи сувни исроф қилма” деган пурмаъно ўғити эсга тушади. Кўҳна, лекин ҳеч қачон эскирмас мазкур ўғит замирида улкан ҳикмат яширин.



СУВ РЕСУРСЛАРИ — КЕЛАЖАК УЧУН

Дарҳақиқат, сув табиатнинг энг ноёб, нодир ҳамда бебаҳо бойликларидан бири, жами тирик мавжудот учун ҳаёт манбаидир. Афсуски, айни пайтда Ер юзидagi 7,5 миллиарддан зиёд аҳолининг 1,2 миллиард тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиард одам санитария талабига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. 2025 йилга бориб эса сайёраимизда 2 миллиард инсон сув етишмаслигидан азият чекиши кутяланти. Маълумотларга кўра, дунёда охириги 150 йил мобайнида аҳоли жон бошига нисбатан ичимлик суви тўрт мартага камайиб кетган.

Марказий Осиёда глобал исиш кўрсаткичлари ошган сари дарёларимизга суви қўйиладиган музликларни эриб бораётгани янада ачинарлидир. Орол денгизи чекишини ортдан атмосферага туз ва чанглар кўтарилиб, ерларимизнинг мелiorатив ҳолати издан кичаяпти.

Шундай мураккаб вазиятда юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сув чиқариш хизматларини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқ. Айни жараёнда давлат дастурларида сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Бу ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизими ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлиги даражасини деярли оз фоизга етказиш имконини беради.

Шунингдек, 32 та йирик шаҳар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш, сув таъминоти қувурларидаги сув сиркиш нуқталарини сунъий йўлдош технологияси орқали масофадан зондлаб аниқлаш ва таъмирлашга замонавий технологияларни жорий этиш, Тошкент шаҳрида оқова сувларни тозалаш тизимини шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқариб, давлат-хусусий шериклик асосида янги иншоотлар барпо этиш кўзда тутилган.

Президентнинг 2022 йил 22 январдаги “2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда

тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш мақсадида 351 объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 1 триллион 444,8 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бу маблағ ҳисобидан 2 минг 262 километр ичимлик ҳамда оқова сув тармоқлари, 261 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция ишлари бажарилади.

2022 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, ушбу маблағнинг 624,9 миллиард сўми молиялаштирилди. Ҳозиргача мазкур маблағлар ҳисобидан 866,5 км. ичимлик ва 44,1 км. оқова сув тармоқлари,

зокаралар олиб борилиб, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Осиё тараққиёт банки ўртасида Тошкент шаҳрида оқова сув тозалаш иншоотини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси юзасидан маслаҳат хизматини кўрсатиш бўйича битим имзоланишига эришилди.

Тараққиёт стратегиясида сув захираларидан самарали фойдаланиш, ушбу соҳада бошқарув кадрлари, мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда жорий йилнинг февраль-март ойларида

лантириш, жаҳоннинг энг яхши тажрибалари билан таништириш мақсадида махсус ўқув муассасасини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда 67 фоиз истеъмолчиларга сув ҳисоблагичи ўрнатилган бўлиб, “Ўзсувтаъминот” АЖ ҳамда Жанубий Кореянинг “K-Water” корпорацияси билан пойтахтимизнинг Кўйлик 2, 3 ва 4-мавзелаарида 7 минг 850 та сув ҳисоблагичи ўрнатилиши ҳамда биллинг тизимига уланиши белгиланган. Ҳозиргача 1 минг 900 та сув ҳисоблагичи ўрнатилиб, “Ўзсувтаъминот” АЖ ҳамда Жанубий Кореянинг “SHIN DONG-A ELECTRONICS CO, LTD” ташкилоти билан имзоланган меморандумга асосан, Кўйлик-1 мавзесида 43 та антенна ва 610 та сув ҳисоблагичи ўрнатилиши ҳамда биллинг тизимига уланиши кўзда тутилган. Бугунгача 18 та кўп қаватли уйда 500 та сув ҳисоблагичи ўрнатилиди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 8 июнь куни сув омборларини модернизация қилиш ҳамда Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларига оид тақдимот билан танишди. Таъкидланганидек, дарё ва сойлар суви қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, аҳоли турмуши учун муҳим манба. Бу неъматдан самарали фойдаланиш мақсадида 2017 йили Президент Фармони билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилди ва ушбу жамият бошқарувида ўтказилган 6 та сув омбори хорижий компанияларнинг жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқилди ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланди. Унга мувофиқ, тўғонлар, сув олиш ва чиқариш иншоотлари таъмирланмоқда, насос агрегатлари тикланмоқда. Бу орқали ҳамма иш жараёни акциядорлик жамияти-

нинг ситуацион-таҳлил марказига онлайн уланади ҳамда йилига қўшимча 120 миллион киловатт/соат электр ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бундан ташқари, Хисорак ва Охангарон сув омборларида йиллик 22 миллион киловатт/соат қувватли 2 та янги кичик ГЭС қурилади.

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда сув таъминотини яхшилаш мақсадида 10 триллион сўм ёки олдинги йиллардагига нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилиб, 6,5 миллион аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Келгуси беш йилда соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб этилиб, ичимлик суви таъминотини 90, оқова сув тизими қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ер қуррасининг 70 фоизи сувдан иборат бўлса-да, унинг 97,5 фоизи истеъмолга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизининг учдан икки қисми муз ҳолатидаги захиралар ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб сайёраимиз аҳолисининг 47 фоизига тоза ичимлик суви етишмаслиги ҳавф солиши мумкин. Шу боис дунёнинг кўплаб мамлакатларида суви асраш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан қонулар ҳам қабул қилинган.

Бугунги кунда дунёда сарфланмаётган чучук сувнинг 70 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 20 фоизи саноат ишлаб чиқариши, атиги 10 фоизигина маиший истеъмолга йўналтириляпти. 2050 йилга бориб экинзорларга сув захираларининг 90 фоизигача сарфланиши кутилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқ. 2030 йилга бориб, бундай эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Демак, ҳар томчиси тиллога тенг сувни асрашимиз зарур. Чунки сув нафақат тириклик манбаи, балки юрт ободлиги ва фаровонлигини таъминловчи, озиқ-овқат танқислиги, турли касалликларнинг олдини олувчи бебаҳо неъматдир. Шу сабабли ҳар томчи сувни авайлаб асраш, ундан оқилона фойдаланиш кундалик ҳаётимизда ҳар биримизнинг доимий вазифамизга айланиши керак.

Баҳодир МИРЗАЕВ,
«Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори.

Фамхўрлик



КўП ҚАВАТЛИ ТУРАРЖОЙЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Наманган вилоятининг Поп туманидаги тоғлар этагида жойлашган Чодак қишлоғида барпо этилган 120 хонадонга эга учта кўп қаватли тураржой биноси қуриб битказилди. Қишлоқ аҳли учун узоқ йиллардан бўён орзу бўлган биноларнинг зилзилабардошлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Икки-уч хонали хонадонлардан иборат беш қаватли замонавий иморатлар “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти буюртмасига биноан “G’olib-Ho’ji R” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қурилди.

— Кўп қаватли тураржойлар билан бир қаторда, замонавий лойиҳалар асосида зарур инфратузилмалар ҳам барпо этилгани бизни қувонтирди, — дейди Неъматулла Ҳабибуллаев. — Уй-жойларни қўриб, қалбимиз яйради. Биз-

га муносиб яшаш шароитини яратиб берганларга раҳмат.

Янги тураржойларни фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими Шавкат Абдуразақов қуриб битказилган уйлар катта ишларнинг бошланиши эканлиги, яқин вақт ичида бу ерда яна кўплаб ижтимоий иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари барпо этилишини таъкидлади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда электр энергиясига талабнинг ортиши манба тақчиллигига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса унинг муқобил турларидан фойдаланишни тақозо этади.

Иزلаниш

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз томонидан “яшил энергия”ни қўллашга қаратилган чора-тадбирлар қўлами кенгайтирилмоқда. Бинобарин, шу йилнинг 10 июнь куни давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида энергия таъминотида барқарорликка эришилгачи энг самарали йўл “яшил энергия”дан фойдаланиш эканлиги таъкидланди.


— “Яшил энергия”дан фойдаланиш орқали нафақат таъминотда барқарорликка, балки иқтисодий самарадорликка ҳам эришиш мумкин, — дейди

Андижон шаҳридаги “Чинор” меҳмонхонаси бош менежери Ахрорбек Мамажонов. — Масалан, 88 ўринли меҳмонхонамиз тўлиқ муқобил энергия ҳисобига ишлайди. Бунинг учун бинонинг том қисмидаги 180 м² майдонга қуёш панелларини ўрнатдик. Натижада бир йилда 300 минг киловатт/соат электр энергияси, 240 минг метр куб табиий газни тежаямиз.

Ҳисоб-китобга кўра, қуёш панеллини ўрнатиш билан боғлиқ 210 миллион сўмлик лойиҳа бир янги йил ичида ўзини оқлайди ва 30 йил давомида беминнат хизмат қилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

2024 ЙИЛНИНГ ИСЛОМ ДУНЁСИ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ — ХИВА МАМЛАКАТИМИЗНИ ДУНЁГА ЯНАДА КЕНГ ТАНИТАДИ



Яқинда Боқуда бўлиб ўтган Ислom ҳамкорлик ташкилотининг XI сессиясида Хива 2024 йилда “Ислom дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинди. Хива шаҳрининг номзоди БААнинг Абу-Даби, Туркиянинг Шанлиурфа, Нигериянинг Лагос, Тожикистоннинг Душанбе шаҳарлари орасида ғолиб деб топилди. Ислom ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризм соҳасида юритилаётган очиклик сиёсати, виза режимининг соддалаштирилиши, маданий меросни сақлаш, тарихий шаҳарларни ободонлаштириш каби йўналишлардаги изчил ислохотларни алоҳида эътироф этди.

Эътироф

Маълум бўлишича, ислom дунёсининг туризм пойтахти йили доирасида Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ИХТга аъзо 57 давлатнинг туризм вазирлари ва туристик маъмуриятлари раҳбарларининг юқори даражадаги йиғилиши ўтказилади. Шу билан бирга, ислom олами ва зиёрат туризми салоҳиятини очиб берувчи илмий-амалий анжуманлар, фотокўргазмалар, арт-экспозициялар ташкил қилинади. “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети базасида ИХТ давлатлари олим ва тадқиқотчилари иштирокida таълим соҳасидаги имкониятларни кенгайтиришга эътибор қаратилади.

— Хива инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, уни бир бор кўриш учун дунёнинг турли бурчларидан келаётган сайёҳлар оқими йилнинг тўрт фас-

лида ҳам тўхтамайди, — дейди Хоразм вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Ботир Савдов. — Ичан қалъанинг аждроллар ақлу заковати билан бунёд этилган боқий обидалари, Эрмитаж, Лувр музейлари билан беллаша оладиган, ноёб осориёткаларга бой Хива музейлари жаҳон сайёҳларини хайратга солиб келаяпти. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини юксалтириш мақсадида амалга оширилган дастурлар натижасида қадим Хивада соҳа инфратузилмаси тубдан янгиланди. “Лазги”, “Ковун сайли” каби фести-валлар, Пахлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган халқаро кураш мусобақаси, баҳодирлар уйинлари каби спорт тадбирлари кўҳна шаҳар довруғини дунёга таратди. Сўнгги уч ойда Хивага учта давлат раҳбарларининг ташриф буюриши қадим ва навқирон шаҳарнинг туризм салоҳияти юксалигидан дарак бериб

турибди. Хиванин 2024 йилда “Ислom дунёси туризм пойтахти” деб эълон қилиниши бу ишларни янги босқичга олиб чиқади.

— Турк маданиятлари халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгаши томонидан 2020 йилда Хива шаҳри “Турк дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилинган ва шу асосда бу кўҳна кентда бир қатор халқаро илмий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилган эди, — дейди Хоразм Маълум академияси олимаси, сенатор Гаҳвар Дурдиева. — Қуни кеча Ислom ҳамкорлик ташкилоти вазирлар кенгашининг навбатдаги сессиясида Хивага 2024 йили ислom дунёсининг туризм пойтахти мақоми берилиши барчамизни беҳад қувонтирди.

Бу эътироф ички ва ташқи туризмни ри-



вожлантириш, янги инфратузилма объектлари, музей ва экспозициялар барпо қилиш, сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажимини ошириш имконини беради. Йил бўйи давом этадиган маданий тадбирлар, хорижий ва маҳаллий журналистлар учун уюштирилмадиган медиатурлар нафақат шаҳарни, балки бутун мамлакатни дунё мекёсида янада кенг танитади. Жаҳон жамоатчилиги юртимиз тарихи, табиати, халқимиз турмуш тарзи ва маданияти, урф-одат ва аъёналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланил.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.52 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6